

## ЧЕТ ТИЛЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНИШИДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ-МЕЬЁРИЙ МЕЗОНЛАРНИ АҲАМИЯТИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.93.26.024>

Рискулова Камола Джуммаевна,  
Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири  
маслаҳатчиси, педагогика фанлари доктори, доцент

**Аннотация.** Мақолада замонавий таълим менежери компетенциясини белгиловчи халқаро ҳуқуқиий-меъёрий мезонлар таҳлили келтирилган. Муаллиф ушбу ҳалқаро ҳуқуқиий-меъёрий мезонларнинг чет тили ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шаклланишидаги аҳамиятини кўрсатиб берган.

**Калит сўзлар.** Таълим менежери, замонавий таълим, касбий компетенция, мезонлар, ҳуқуқиий асос, модернизация, талаб.

## ЗНАЧЕНИЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ ПРАВОВЫХ И НОРМАТИВНЫХ КРИТЕРИЕВ В ФОРМИРОВАНИИ КОМПЕТЕНТНОСТИ ПРЕПОДАВАТЕЛЕЙ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ

Рискулова Камола Джуммаевна,  
советник министра дошкольного образования Республики  
Узбекистан, доктор педагогических наук, доцент

**Аннотация.** В статье представлен анализ международных правовых и нормативных критерииев, определяющих компетентность современного менеджера в области образования. Автор показывает важность этих международно-правовых и нормативных критерииев в формировании профессиональной компетентности преподавателей иностранных языков.

**Ключевые слова.** Менеджер по образованию, современное образование, профессиональная компетентность, критерии, правовая основа, модернизация, спрос.

## THE IMPORTANCE OF INTERNATIONAL LEGAL AND REGULATORY CRITERIA IN THE FORMATION OF THE COMPETENCE OF FOREIGN LANGUAGE TEACHERS

Riskulova Kamola Dzhumaevna,  
Advisor to the Minister of Preschool Education of the Republic of  
Uzbekistan, Doctor of Pedagogical Sciences, Associate Professor

*The article presents an analysis of international legal and regulatory criteria that determine the competence of a modern manager in the field of education. The author shows the importance of these international legal and regulatory criteria in the formation of professional competence of teachers of foreign languages.*



*Key words.* Education manager; modern education, professional competence, criteria, legal basis, modernization, demand.

Таълим сифати ва самарадорлигига эришиш ҳар қандай давлат миллий таълим тизимининг бош мақсади бўлиб, бу жараён олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини муттасил ривожлантириш, унинг норматив ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ўқув-услубий таъминотини ривожлантириш, таълим менежменти ва назоратини замонавий инновацион усул ва шакллари асосида олиб бориш, компетентли замонавий кадрлар тайёрлаш тизимини жаҳон стандартлари асосида шакллантириш, таълим мазмунини дунё тараққиёти талаблари асосида модернизация қилишни тақозо этади. Бу эса қуидагиларга эришиш учун асос бўлади:

- дунё миқиёсидаги таълим тизимлари интеграциялашувига эришиш;
- профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг таълим бериш ва таълим олиш борасидаги эркинлигини таъминлаш;
- рақобатбардош кадрлар тайёрлашда минтақалар ҳамкорлигини йўлга қўйиш;
- рақобатбардош компетентли кадрлар тайёрлашга қўйиладиган талабарининг бир хиллилигига эришиш;
- қасбий билим, қўнирма ва малака талабарини, уларни баҳолаш мезонларини бир хиллилигига эришиш;
- дунё миқиёсида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш;
- анъанавий таълим усулларидан воз кечиш, ноанъанавий инновацион таълим технологияларидан кенг фойдаланиш ва таълим олишнинг узлуксизлиги ҳамда чегарасизлигини таъминлаш кабилар.

Бу борада Ўзбекистонда “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши таълим мазмуни, кадрлар тайёрлаш сифатини жаҳон талаблари даражасига олиб келди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1989 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисидаги 5-сонли, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълим Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” ги 343-сонли, 2015 йил 10-январдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 16-августдаги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида”ги 3 – сонли қарорлари асосида таълим йўналишлари ва мутахассисликлари, таълим соҳасига кўра ДТСлари ишлаб чиқилди. Мазкур ДТСларида бўлажак мутахассис кадрларнинг қасбий компетентлигига, мажбурий тайёргарлик даражаларига қўйиладиган малака талаблари белгилаб берилди.

Таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни давлат таълим стандартлари (ДТС) ҳамда давлат талаблари асосида ташкил этилди. ОТМда тайёрланаётган кадрлар жаҳон таълим тизими талабларига мос касбий компетентли, тайёрланган мутахассисларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлик даражасига жавоб бермоқда.

Ўқитиш сифати даражасининг индексида хорижий таълим муассасалари даражасига эга бўлган (PhD), жаҳондаги энг нуфузли 300 та олий ўқув юртлари жумласига кирадиган профессор-ўқитувчилар таркиби (ПЎТ) улуси, ўқитиш сифати даражаси, хорижий ўқитувчилар ва хорижий талабалар улуси, хорижий олий ўқув юртлари билан алмашишдастурлари, хорижий тилда ўқитилидиган таълим йўналишлари сони, ПЎТ нинг хорижий тилларни ва АҚТни билиш даражаси, ўқув жаҳоёнида инновацион метод ва воситалардан фойдаланиш даражаси, ПЎТ томонидан чоп этилган дарслик ва ўқув қўлланмалар сони каби мезонлар ўз ифодасини топган. Ўқитувчиларнинг касбий етуклигини белгиловчи амалиётни назария билан олиб бориш мақсадида “Ўқитувчилар ва уларнинг уюшмалари янги дарсликлар, фанлар ва ўқитиш материаллари яратиш ва ривожлантиришда иштирок этиши керакли”ги мамлакатимизда таълим мазмунини жаҳон стандартлари даражасида шакллантириш масаласи биринчи ўринга қўйилган айни вақтда ушбу талабга риоя этиш долзарб ҳисобланади.

ЮНЕСКОнинг Олий тизимидағи ўқитувчи ходимларнинг мақомини назарда тутувчи тавсиясида (1997йил, 21-12 ноябрь, 29-сессия, Париж) ҳам олий таълим муассасаси учун тайёрланадиган ўқитувчиларнинг компетенцияси компонентлари белгилаб берилган бўлиб, уларга яратиб берилиши керак бўлган шарт-шароитлар ҳам ўз ифодасини топган. Улар:

1. Академик фаолиятни бошлаш
2. Ишлашни муҳофаза қилиш
3. Рағбатлантириш
4. Ишлашдаги шарт-шароитларнинг музокараси
5. Иш миқдори, ойлик маош, ижтимоий муҳофаза фойдалари, соғлик ва хавфсизлик
6. Таълим, академик таътил ва йиллик таътиллар
7. Олий таълимда аёл ўқитувчи ходимларнинг ишлашдаги шарт-шароитлари
8. Олий таълимда ногирон ўқитувчи ходимларнинг ишлашдаги шарт-шароитлари
9. Олий таълимда ўриндош ўқитувчи ходимларнинг ишлашдаги шарт-шароитлари (9-бўлим) каби масалалардан иборат бўлиб, уларда ўқитувчиларнинг касби бўйича компетенциялари белгилаб берилган бўлиб, уларда белгилаб берилган барча индикаторлар бўлажак инглиз



тили ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантиришга ҳам хизмат қиласди.

Ўқитувчилар компетинцияси ҳақидаги ҳалқаро тажрибада Австралия тажрибасидаги ижобий жиҳатларни ҳам инобатга олмоқ мақсадга мувофиқдир. Жумладан, олий таълим муасссалари ўқитувчилари ва раҳбарлари учун юқори малака ва етакчилик қобилияти талаб этилади. Масалан, Виктория ҳукумат мактаби (What we teach our teachers) ўқитувчи ва раҳбарларига айнан ушбу қобилиятларни ривожлантириб бориш учун доимий малака ошириш талаб этилади. Ўқитувчилардаги етакчиликнинг асосий 5та компонентлари (таълимий, техник, инсоний, маданий ва белгили) бўйича малака ва кўнимкамларни шакллантириб бориш талаб этилади .

Олий таълимда дарс берадиган профессор-ўқитувчини баҳолаш унинг академик соҳадаги ва илмий соҳадаги компетентлиги ва профессионал соҳада олиб бораётган фаолиятига қаратилган бўлиши керак.

Сўнгги йилларда қабул қилинган қатор ҳалқаро стандартлар ЮНЕСКО, Евроиттифоқ, МДХ ҳужжатлари билан бирга таълим сифатини бошқариш тизимини такомиллаштириш муаммосини фаоллаштиради. Жумладан, ЮНЕСКОнинг “Олий таълимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш” дастурий ҳужжати (1995 й.) ЮНЕСКО ва БМТнинг глобал сиёсатининг асосий йўналиши таълимнинг сифатини белгилаб, олий таълим соҳасида фаолиятнинг учта асосий тамойилни – замон талабларига мослик, сифат ва байналминаллаштиришни белгилаб берди. Европа Иттифоқи кенгашининг тавсиялари (1998 й.) эса сифат кафолатлари миллий агентликлари ўртасида сифат ва ҳамкорлик механизmlарини тақдим этиш орқали таълим сифатининг таянч мақсадини расмийлаширди. “XXI асрнинг Олий таълими” (1998 й.) Бутунжаҳон декларацияси таълим сифатининг ҳалқаро аҳамиятини қайд этади ҳамда нафақат ички баҳолашни, балки ташқи баҳонинг аҳамиятини кўрсатиб беради.

Европа ОТМ ўқитувчилари ва тайёрланадиган мутахассислар кимпетентлиги стандарти ҳисобланган ҳалқаро таълим сифатини таъминлашда Болонъя декларацияси муҳим аҳамиятга эгадир. Болонъя декларацияси 1999 йил 19 июнда Европанинг 29 давлати томонидан имзоланган ва ҳозирги кунда Европа Иттифоқига аъзо 49 давлатдан 48си унга аъзодир.

Болонъя декларациясининг асосий мақсади:

- Европада ягона олий таълим тизимини вужудга келтириш, жаҳонда Европа олий таълим тизимини фаоллаштириш;
- Европанинг барча олий таълим муасссаларига киришга кенг йўл очиш;

- Европа олий таълим тизимининг сифати ва мавқеини янада ошириш;
- ўқитувчилар ва талабалар мобиллигини ривожлантириш;
- Болонья декларациясига аъзо давлатлар ОТТда барча академик даражалар ва бошқа иҳтисосликларни меҳнат бозори талаблари асосида бир ҳил шакллантириш ҳисобига битирувчиларни муваффақиятли иш билан таъминлашни йўлга қўйиш.

Декларация 7 та асосий тамойилларни ўзида ифода этади:

1. Бир ҳил академик даража ва диплом иловасини бериш оқали Европа фуқароларини иш билан таъминлаш имкониятларини ошириш, Европа ОТТни халқаро рақобатбардошлигини таъминлаш.
2. Олий таълимда икки пағонали (цикли) ўқитишини йўлга қўйиш: таянч (дастлабки) олий таълим (undergraduate) ва битирувчи (graduate). Иккинчли цикл камида 3 йил давом этилиши кўзда тутилади ва бакалавр даражасини беради. Иккинчи цикл магистр даражасини олиш билан якунланади.
3. Талабаларнинг катта ҳажмда мобиллигини таъминлаш мақсадида зачёт бирликларини ягона Европача тизимини тадбиқ этиш.
4. Талабаларнинг мобиллигини ривожлантириш. Трансмиллий таълим стандартини ўрганиш.
5. Таққосланадиган мезонлар ва услубиётларни ишлаб чиқиш мақсадида сифатни таъминлаш учун Европа ҳамжамиятига кўмаклашиш.
6. Таълим сифатининг ички назорат тизимини тадбиқ этиш ва ОТМ фаолиятини ташки баҳолашга талаблар ҳамда иш берувчиларни жалб этиш.
7. Ўқув режаларини, институтлараро ҳамкорлик, мобиллик ва ҳамкорлик ўқув дастурлари, амалий тайёрлов ва илмий–тадқиқот ишларини олиб боришини ривожлантириш орқали олий таълимда Европача анъаналарни юзага келишига кўмаклашишдан иборатдир.

Болонья декларациясига киритилган ҳужжатларнинг асосий мақсадларидан бири таълимда сифатни таъминлашни юқорига кўтаришдан иборат эканлиги

CEFR (Common European Framework of Reference for Languages) Европа стандарти чет тиллари ўқитувчилари ва бўлажак мутахассис ўқитувчилар компетентлигини шакллантириш ва баҳолашда муҳим рол ўйнайди. Чет тилларни ўқитишида кадрлар салоҳияти муҳим аҳамиятга эга. Чунки ўз фанини чуқур биладиган, изланувчан, тажрибали ўқитувчиларгина яхши таълим беради ва таълим-тарбия жараёнини бошқара олади.

CEFR Европа стандарти нафақат тил ўрганувчини балки таълим менежерининг касбий компетентлигини оширади. Жумладан, унинг афзаллик томонлари қўйидагилардан иборатдир:

- ўқув дастурларни тузиш;



- материалларни танлаш;
  - ўкув-услубий қўлланма яратиш;
- ўкув дарсликлари яратиш;  
баҳолашни жаҳон стандартлари асосида ташкил этиш.
- a) ўқитувчи томонидан баҳолаш (ассесмент тури, мазмуни, критерияси);
  - b) ўз-ўзини баҳолаш;
- талабаларни мотивациясини ошириш (бунда “қила оламан” деган иборанинг қўлланилиши ёрдам беради);
  - дарсни самарали лойҳалаштириш .

CEFR Европа стандарти тил ўрганувчиларни 6 та даражага бўлган ҳолда тасниф этади ва ҳар бир даражада тил ўрганувчининг тилнинг 4 кўникмаси (ўқиши, тинглаш, гапириш ва ёзиши) бўйича компетентцияси мезонларини белгилаб беради .

Олий таълимнинг Европа умумий таълим муҳити асоси сифатида сифат ва шаффоффлик тамоиллари ва Европа сифат стандартлари (ENQA стандартлар)ни белгиловчи Берген тамоиллари (2005 й)да ҳам ўз ифодасини топди.

Таълим стандартларининг ишлаб чиқилиши бўйича Европа -Ўзбекистон таълим стандартлари белгиланган. Шунингдек, Болонья декларацияси ОТМ зиммасига бўлажак мутахассисларни касбий; ҳаётий тайёрлаш, шахс сифатида шакллантириш, чуқур ва ҳар томонлама кенг билимга эга қилишдек мақсадни юклайди.

Олий таълим сифатини таъминлаш бўйича Европа ассоциацияси –The European Association for Quality Assurance in Higher Education- ENQA. EU аъзо-давлатлари таълим муассасалари учун стандартларни, тартиб-таомиллар ва тавсияларни ишлаб чиқувчи, шунингдек, Болонья жараёнларини тартибга солувчи бош ташкилот. ENQA илгор тажрибаларни ривожлантириш ва алмашиб ва таълим соҳасида ягона Европа стандартларини ишлаб чиқиш мақсадида олий таълим сифатини таъминлаш соҳасида ҳамкорликка кўмаклашади.

Олий таълим сифати бўйича Европа реестри – The European Quality Assurance Register for Higher Education-EQAR. Кўйидагилар учун шароит яратади: олий таълим муассасаларига ишонч рейтингини эълон қилиш ва шу орқали “аккредитация фабрикалари” мавжуд бўлиши имкониятларини қисқартириш йўли билан талабалар саъи-харакатларини бирлаштиради; таълимда сифатни таъминлаш бўйича агентликлар фаолиятини сифатини яхшилаш воситаси бўлиб хизмат қиласи ҳамда улар ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлайди; олий таълим муассасаларига таълим сифатини таъминлаш бўйича турли агентликларни танлаш имкониятини беради.

Араб давлатлари Лигасининг таълим, маданият ва фан масалалари бўйича ташкилоти – Arab League Educational Cultural and

ScientificOrganization-ALECSO. ALECSO таълим соҳасида: минтақавий ҳамкорликни ривожлантиради; ALECSO мамлакатларида таълимни молиялаштириш манбалари ва механизмларини ривожлантиради; аёллар таълимини юксалтиради; имконияти чекланган шахсларни таълим жараёнига жалб қиласиди; минтақа мамлакатлари ўртасида университет таълими таълим циклларини бир хиллаштиради; масофали таълимни ривожлантиради; таълим сифатини баҳолашнинг миллий институтлари, стандартлари, мезонларини ишлаб чиқади ва ривожлантиради.

Университетларнинг халқаро ассоциацияси- International Association of Universities – IAU 120 дан ортиқ мамлакатларнинг олий таълим муассасаларини бирлаштиради. Ўз фаолиятини турли фаолият соҳалари бўйича кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалалари бўйича чораклик журнал нашр этади. IAU томонидан чоп этиладиган университетлар халқаро йиллик маълумотномаси бутун дунё мамлакатларида таълим ташкилотлари тўғрисида маълумотларни қамраб олади. Ассоциация Европа ўқув муассасаларида Болонья жараёни асосий принципларини жорий этишга кўмаклашади.

Академик ҳамкорлик Ассоциации – Academic Cooperation Association –ACA. Ассоциация фаолиятининг асосий йўналишлари: олий таълим интернационализациясига кўмаклашади; ойлик электрон ахборотнома чоп этиш, семинар ва конференциялар ўтказиш орқали Европа ва халқаро ташкилотлар иштирокида бўлиб ўтган энг долзарб ўзгаришлар ҳакида хабардор қиласиди.

JSO –халқаро стандартлаштириш ташкилоти. (International Organization for Standardization JSO нодавлат ташкилот бўлиб, унинг Низомига кўра асосий мақсад “Жаҳон миқиёсида стандартлаштиришга ёрдам бериш” дан иборатдир. (JSOnинг бош офиси Швейцариянинг Женева шаҳрида жойлашган бўлиб, 162 та давлатда миллий стандартлар институтлари тармоғи мавжуд).

ISOнинг тузилишидан кўзда тутилган асосий мақсад – халқаро миқёсдаги халқаро сифатли мол алмашинувини таъминлаш, ягона стандартлаштиришни ривожлантириш ҳамда ақлий, илмий-техникавий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ҳамкорликни, ҳамдўстона муносабатни ўрнатишига ёрдам беришдан иборатдир. Айни кунга қадар ISO нинг сифат таъминоти бўйича қўйидаги стандартлари мавжуд: ISO 9000; ISO 9001; ISO 9002; ISO 9003; ISO 9004; ISO 10011; ISO 10012. Мазкур стандартларнинг кодлари ва йиллари мавжуд бўлиб, улардан таълим сифатини таъминлашда, халқаро талаблар асосида рақобатбардош мутахассис кадрлар тайёрлашда, ўқитувчилар компетентлигини ривожлантиришда фойдаланиш мумкин.

Таълим сифатини таъминлашда халқаро сифат стандартлари тўпламишининг асосини JSO 9000 “Сифатни бошқариш ва таъминлаш стандартларини танлаш ва амалда қўллаш бўйича раҳбарий қоидалар”



хужжати ташкил этади. Унда сифатни бошқаришнинг уч модели ўз ифодасини топган:

Биринчи модел- стандарт JSO 9001: 2000 ва 9001: 2008. “Сифат тизими. Ишлаб чиқариш (лойихалаш, ишлаб чиқариш, ўрнатиш ва хизмат кўрсатиш) босқичида сифатни таъминлаш модели”.

Иккинчи модел- стандарт JSO 9002. “Сифат тизими. Ишлаб чиқариш ва амалиётга жорий этиш босқичида сифатни таъминлаш модели”.

Учинчи модел- стандарт JSO 9003. “Сифат тизими. Тайёр маҳсулотни назорат қилиш ва синаш босқичида сифатни таъминлаш модели”.

Ушбу моделларнинг барчаси мазмуни сифатли, компетентли мутахассис кадрлар тайёрлаш сиёсатига йўналтирилган.

Аммо, ISO нинг ягона таълим соҳаси учун мослаштирилган стандарти мавжуд эмас. Фақат барча соҳаларда бўлганидек, таълим соҳасида ҳам сифатни бошқариш сертификатлари ISO 9001-серия XC билан ташкил этилган. Бутун дунё таълим тизими ўзида аввало, миллийликни акс эттириб, шу асосда дунёвийликка қаратилган. Шу сабабдан ҳар бир минтақанинг ўз миллий таълим тизими асосида ўзига хос таълим моделлари ва стандартлари ишлаб чиқилган. Ягона ёндашув бўйича стандартлар ҳар бир мамлакат таълим тизимини рўёбга чиқаради. Халқаро таълим стандартлари дунё тажрибасида таълим интеграциясининг расмий эътирофи бўлиб, Ўзбекистон шароитида халқаро стандартларнинг энг муҳим талаби олий таълимни 2 босқичдан иборат бўлишлиги таъминланган. Фақат бугунги кунда таълим стандартларининг иш берувчи томонидан битирувчиларни баҳоланиши масаласида сифат менежменти тизимини шакллантириш талаб этилади. Жаҳон тажрибасида олий таълим сифатини баҳолаш тизими халқаро таълим стандартларини амалда қўллашнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Халқаро сифат стандартлари талабларини бажариш умумэътироф этилган қоидалар асосида куйидаги бўлимларга бўлинади.

1. Таълимни ташкил этиш ва режалаштириш.

2. Битирувчиларнинг касбий тайёргарлиги.

3. Назорат-баҳолаш. Ўзбекистонда халқаро стандартлар талаблари бўйича таълимни амалга ошириш, рўёбга чиқариш, унинг мазмунини баҳолаш масалалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Давлат тест маркази томонидан амалга оширилади.

ENQAning асосий вазифалари куйидагилар. 1) ташкилот аъзоларининг қизиқишлиари доирасида таълим сифатини таъминловчи, кафолатловчи янги гоялар ҳамда самарали амалиётларни кенг ёйиш; 2) Таълим сифати кафолати бўйича Меморандум ҳамда Болонья жараёни бўйича таълим шаффофлиги гурухига маълумот тайёрлаш; 3) Ассоциация аъзолари маҳсус вакиллари фаолияти бўйича таҳлил

ўтказиш, бошқа таълим соҳасидаги ташкилот ва муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш.

ENQA ҳозирги кунда Европа Иттифоқининг талабалар уюшмаси ESU, Европа университетлар ассоциацияси EUA, Олий қасбий таълим муассасалари Европа ассоциацияси EURASHE, ENIC-NARIC ахборот-тизим маркази, Business Europe ассоциацияси, Таълим соҳасидаги халқаро ташкилот Education International ва Европа комиссияси билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Таълим сифатини таъминлашнинг очиқлиги ва самарадорлигини юқори босқичга кўтариш учун Ассоциация 26 та маҳсус вакилдан иборат бўлган таълим сифатини ташки назоратини амалга оширади.

” қабул қилинганидан кейинги унинг якунловчи босқичи “Сифат босқичига” Республикализ OTMларда сифат менежменти тизими масалаларига бўлган қизиқиш ва интилишни қуидагилар билан изоҳлаш мумкин:

- таълим ва илмий хизматлар бозорида рақобатнинг ривожланиши, таълим сифати менежменти натижасида инновацион ривожланишга бўлган эҳтиёжнинг ортиши;
- давлатнинг таълим тизимида олиб бораётган сиёсати ва ислоҳотлари;
- сифатни OTM аккредитациясининг асосий шарти эканлиги;
- ҳар бир цивилизациялашган мамлакатнинг Европа таълим маконига интеграциялашуви ва Болонья декларациясининг имзоланиши каби омилларга боғлик.

Болонья жараёни иштирокчиларининг Берлин шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишида (сентябрь, 2005 й.) асосий оралиқ устуворликлар белгиланган эди, булар: сифатни таъминлаш, икки даражали тизим, даражалар ва таълим даврларини тан олиш ҳисобланади. Бу жараёнда сифат масаласи биринчи ўринда турибди, уни таъминлаш OTMларнинг зиммасига юклатилиди.

Юқоридаги фикрларга таяниб Болонья декларациясининг Ўзбекистондаги таълим тизими сифатини оширишдаги таъсирини қуидагича изоҳлаш мумкин:

- декларация талабларига асосан жаҳон меҳнат бозорида рақобатбардош бўлган мутахассис кадрлар тайёрлашга эътиборни кучайтириш;
- Европа таълим тизимидағи икки поғонали ўқитиш билан Ўзбекистон OTM даги икки поғонали ўқитиш жараёни сифат ва самарадорлигини оширишда ўзаро ҳамкорлик, тажриба алмашиш орқали халқаро меъёrlарга мос компетентли мутахассис кадрлар тайёрлашга эришиш;
- Европа OTM мазмунини қиёсий ўрганиш Ўзбекистон OTM мазмунини такомиллаштириб бориш орқали, ушбу халқаро ҳужжатга



қўшилиш жараёнининг илмий-амалий, илмий-методик пойдеворини мустаҳкамлаш;

трансмиллий таълим стандартлари талаблари, халқаро илғор тажриба асосида Ўзбекистонда Давлат таълим стандартлари мазмунини, ўқув фанлари мазмунини, компетентли кадрлар тайёрлаш сифат кўрсаткичларини такомиллаштириш ва б.к. (Жадвал quality.ulstu.ru, www.akvobr.Ru интернет сайtlари ва таҳлиллар асосида шакллантирилган).

Шундай қилиб, мамлакатимизда компетентли мутахассис кадрлар тайёрлашда халқаро талабларга таяниш, илғор тажрибаларни ўрганиш, мутахассис олимлар томонидан олға сурилган илмий-назарий ғоялардан самарали фойдаланиш рақобатбардош мутахассислар тайёрлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Биз диссертациянинг навбатдаги бандида ушбу масаланинг амалиётдаги ҳолатини таҳлил қиласиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. [http://portal.unesco.org/en/ev.php?URL\\_ID=1308&URL\\_DO=DO\\_TOPIK&URL\\_SECTION=201.html](http://portal.unesco.org/en/ev.php?URL_ID=1308&URL_DO=DO_TOPIK&URL_SECTION=201.html)
2. <http://www.study.vic.gov.au/deecd/learn/study-in-victoria/en/teaching-methods-australia.cfm>
3. CEFR. Leanihg, teaching, assessment. Language Policy Uhit, Strasburg. [www.coe/lang-CEFR](http://www.coe/lang-CEFR)